


Мусулмонлар тарихида содир бўлган тоъун ва ваболарга оид ҳодисалар хронографияси (иккинчи мақола)



17:05 / 16.07.2020 2930

12. 261 - ҳижрий йил

У йилда Африкада, Шом ва Андалусия шаҳарларида шиддатли қимматчилик бўлди ва бошқа шаҳарларда оммалашиб кетди. Унга кучли ўлат ва вабо уланиб кетди. Кўпчилик аҳоли ўлди.

13. 289 - ҳижрий йил

Дейдилар: 289 йил кирди, бу йили кўп офат ва балолар бўлди. Румликлар Раккат шаҳарларини босиб олишни қасд қилиб, кўп аскарларини сув ва қуруқликдан киритдилар. У ернинг халқи билан жанг қилиб 50 мингини асирга олдилар. Ва яна Озарбайжон халқига вабо келди, ўликларни кўмишга ҳам одам қолмади. Ўликлар кўчаларда кўмилмасдан қолиб кетдилар.

14. 297 - ҳижрий йил

Ибн Касир деди: Бу йилда вабо Форс ерларига келди ва ундан 7 минг киши ўлди.

15. 301 - ҳижрий йил. Халложнинг қатли.

Бу йилнинг охирида Бағдодга кучли вабо келди. Шу сабабли кўп инсонлар ўлди, айниқса жангчилар, ҳарбийлар. Кўпчилик уйларини беркитиб ўтирдилар.

16. 332 - ҳижрий йили

Бу йилда руслардан бир қўшин дарёдан Озарбайжонга бостириб келди ва уни қуршовга олди. Зафар қозонганларидан кейин, аҳолини охиргисигача қатл қилдилар, мол-мулкларини таладилар. Сўнг заҳираларини тўлдирдилар, кўп мевалар топиб едилар. Улардан кўпчилиги ўлди. Агар аскарлардан биронтаси ўладиган бўлса, у билан бирга кийими ва қурол-аслаҳасини бирга кўмардилар. Уларга қарши Мурзабон бин Муҳаммад юриш қилди ва улар билан урушди. Робиул аввал ойида Рум подшоси Дамастик дарёнинг бошига 70 минглик қўшин билан кириб келди. Унда барча аҳолини бор-будини талади. Кўпчилигини ўлдирди ва 15 мингга яқин кишини асирга олди. У ерда 3 кун турди. Сўнгра араблар ҳар томондан бостириб кириб уни қатл қилдилар. Сўнгра улар чекинишди.

Жумодул аввал ойида Бағдодда нархлар жуда ошиб кетди, ёмғирлар кўпайди. Бинолар йиқилди ва қулаган иморатлар остида қолиб кўп одамлар ўлди. Кўплаб ҳаммомлар ва масжидлар одамлар камлигидан қаровсиз ҳолга келди. Кўчмас мулкнинг нархи тушди. Ким уйга муҳтож бўлса, бир дирҳамга бўлса ҳам сотилди. Даллолар уйларни ўғрилардан эҳтиётлаш учун уйни ижарага олиб, вақтинча яшаб турувчиларга пул ҳам таклиф қилардилар. Ўғриларни тундаги босқинчилик ва талончиликлари кўпайди. Одамлар улардан дўмбира ёки карнайларини чалиб, атрофда шовқин чиқариб эҳтиётланардилар. Ҳар тарафдан васваса кўпайди.

17. 344 - ҳижрий йил

Ибн Жавзий дейди: Муҳаррам ойининг бошида Исфаҳонда қон ва сафродан иборат мураккаб иллатли касаллик сабабли ҳодиса бўлди, у кўп инсонларни камраб олиб уйда бор одамларни халок қилди. Уни касд қилиб кутиб олганларни холлари яхшироқ бўлди. Колган иллат Ахвоз, Богдод ва Воситга шикас етказди. Шу каторга у ерга вабо келди ва ундан кунига минг киши уларди

Ибн Асир деди: Шу йили Хуросонга ва Жибал (*Эроннинг ғарбида жойлашган, уммавийлар ва аббосийлар давридаги йирик ҳудуд номи*)га кучли вабо келди, кўп одамлар ўлди.

18. 377 - ҳижрий йил

Ибн Жавзий деди: Зулҳижжада қимматчилик билан бирга кучли вабо келди.

19. 401 - ҳижрий йил

Ибн Асир деди: Шу йили Хуросоннинг ҳамма жойида қимматчилик кучайди. Одамлар озиқ-овқат йўқлигидан бир-бирларини ейишгача бордилар, (наузубиллаҳ). Одамлар: «Нон! нон!» дея бақирардилар ва силлалари қуриб очликдан ўлардилар. Ушбу мусибатларга сўнгра кучли вабо ҳам қўшилди. Ўликлар ортиб кетганидан, одамлар дафн қилишга ҳам улгурмай, ожиз колдилар.

(Давоми бор)

Таржима ва матн таҳрири: arabicuz